



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон Республикаси Оила ва
Хотин-қизлар давлат қўмитаси
раисининг биринчи ўринбосари

О. Парпиева

“ 4 ” октябрь 2022 йил

**Вакант лавозимларига ишга қабул қилиш, ходимларни бошқа
лавозимга ўтказиш бўйича Танлов комиссияси
13-БАЁНИ**

Тошкент шаҳар

2022 йил “4” октябрь

Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси

Кичик мажлислар зали

Танлов комиссияси раиси:

О.Парпиева - Ўзбекистон
Республикаси Оила ва хотин-қизлар
давлат қўмитаси раисининг биринчи
ўринбосари

Комиссия аъзолари:

Н.Эгамбердиева – Қўмита раиси
ўринбосари

М.Низамова – Бошқарма бошлиғи

М.Махмудова – Бўлим бошлиғи

Н.Матякубова – Юридик бўлим
бошлиғи

З.Искандарова – Бошқарма бошлиғи

Таклиф этилганлар:

А.Абдиев - Ўзбекистон Республикаси
Президенти хузуридаги Давлат
хизматини ривожлантириш агентлиги
масъул ходими.

Комиссия котиби:

Х.Маматкулова – Ташкилий назорат
ва таҳлил бошқармаси бошлиғи
ўринбосари – девонхона муdiri

Йиғилиш кун тартиби:

*Инсон ресурслари ва комплаенс назорат бўлими бошлиғи,
Ташкилий назорат ва таҳлил бошқармаси бош мутахассиси,
Гендер тенгликни таъминлаш ва хотин-қизларнинг ижтимоий-
сиёсий фаоллигини ошириш бўлими етакчи мутахассиси
лавозимларига ўтказилган суҳбат якунлари тўғрисида*

Инсон ресурслари ва комплаенс назорат бўлими бошлиғи лавозимига, Гендер тенгликни таъминлаш ва хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бўлими етакчи мутахассиси лавозимларига жорий йилнинг 19 сентябрь куни, Ташкилий назорат ва таҳлил бошқармаси бош мутахассиси лавозимига 15 сентябрь куни <https://vacancy.argos.uz> сайтида очик танлов эълон қилинди.

Инсон ресурслари ва комплаенс назорат бўлими бошлиғи лавозимига **34 нафар** номзодлардан, Ташкилий назорат ва таҳлил бошқармаси бош мутахассиси лавозимига **51 нафар** номзодлардан, Гендер тенгликни таъминлаш ва хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бўлими етакчи мутахассиси лавозимига **33 нафар** номзодлардан аризалар келиб тушди.

Инсон ресурслари ва комплаенс назорат бўлими бошлиғи лавозимига малака талабларига мос келган **3 нафар номзодлар**, Ташкилий назорат ва таҳлил бошқармаси бош мутахассиси лавозимига **4 нафар номзодлар**, Гендер тенгликни таъминлаш ва хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бўлими етакчи мутахассиси лавозимига **2 нафар номзодлар** саралаб олинди ва танловнинг суҳбат босқичига ўтказилди.

Малака талабларига мос келган жами 9 нафар номзодларга суҳбат босқичига ўтганлиги ҳақида хабардор қилинди.

Рўйхатлар илова қилинади.


Суҳбат босқичига 1 нафар иштирокчи қатнашмади.

Барча номзодларга танлов комиссия аъзолари томонидан соҳага оид саволлар берилди.


Хусусан, Гендер тенглик стратегияси, гендер тенгликни таъминлашнинг асосий муаммолари, гендер стереотипларини бартараф этиш бўйича чоралари, Норма ижодкорлиги, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини тартибга солувчи ҳужжатлардан хабардормисиз?, Ижро интизомини тартибга солувчи қандай норматив ҳужжатларни биласиз?, Оила ва хотин-қизлар давлат кўмитасининг асосий мақсад ва вазифалари нималардан иборат?, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартдаги ПФ-87-сонли Фармони мазмун-моҳияти тўғрисида нималарни биласиз?, Давлат фуқаролик хизмати тўғрисидаги Қонуннинг мазмун моҳияти? каби саволлар билан мурожаат этилди.


Танлов комиссияси танлов иштирокчиларининг саволларига тўғри ва аниқ жавоб бериши, уларнинг иш тажрибаси, соҳавий билимини эътиборга олиб қарор қилади:


1. Инсон ресурслари ва комплаенс назорат бўлими бошлиғи лавозимига номзодлар **Кабилова Шоиста Махмуджановна, Мелийева Шаҳноза Камоловналар** берилган саволларга аниқ жавоб бермагани сабабли мазкур лавозимга **тавсия этилмайди.**
2. Инсон ресурслари ва комплаенс назорат бўлими бошлиғи лавозимига номзод **Тлеубергенова Илмижахон Абдукаримовна** тизимдаги тажрибасини инобатга олиб мазкур лавозимга **тавсия этилсин.**
3. Ташкилий назорат ва таҳлил бошқармаси бош мутахассиси лавозимига номзодлар **Базаров Сирожиддин Шералиевич** суҳбат жараёнида **иштирок этмагани учун, Ҳамраева Машхура Файзиевнанинг** маълумоти талабга **мос келмагани учун, Идрисов Темур Баходир ўғли ва Хидиров Алишер Олимбой ўғли** бошқарув соҳасида етарли тажрибага эга бўлмагани учун ушбу лавозимга **тавсия этилмайди, танлов комиссияси** томонидан муносиб номзод **тавсия этилмаганлиги сабабли қайта эълон берилсин.**
4. Гендер тенгликни таъминлаш ва хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бўлими етакчи мутахассиси лавозимига номзодлар **Мелийева Шаҳноза Камоловна** ва **Ҳамраева Машхура Файзиевналар** саволларга аниқ жавоб бермагани ва маълумотлари **мос келмагани учун ушбу лавозимга тавсия этилмайди, танлов комиссияси** томонидан муносиб номзод **тавсия этилмаганлиги сабабли қайта эълон берилсин.**



_____ Н. Эгамбердиева


_____ М. Низамова


_____ З. Искандарова


_____ М. Махмудова


_____ М. Матякубова


_____ Х. Маматкулова

Танлов комиссияси котиби: